

Одамийлик мезони меҳр-муруватда

Маълумки, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон қалбида инсонийлик, меҳр-муруват, бағрикенглик каби ижобий хислатлар жой олгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳа, албатта, қайси юрт вакили бўлишимиздан қатъи назар тангри томонидан яратилган ҳар бир инсон учун ўз муруватимизни аямаслигимиз ҳам ижобий хислатларимиздандир.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрами нишонланаётган бир вақтда бу каби хайрли тадбирларни ўюштириб туриш ўз навбатида савобли ишларнинг бир қўриниши десак, муболаға бўлмайди.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар йили ушбу улуғ айём арафасида шу каби хайрли тарғибот тадбирларини ўюштириш анъанага айланган. Ҳусусан, “ГИМ” факультети Ёшлар иттифоқи фаол талабалари 15 январь куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган “Лашкарбеги” маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюриб, у ерда истиқомат қилаётган меҳрга муҳтож қариялар ҳолидан хабар олишди.



ГИМ факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О.Рўзибаев ахбороти

Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов